

## FROM THE HISTORY OF IRRIGATION OF THE LANDS OF CENTRAL FERGANA (ON THE EXAMPLE OF 1951-1970)

**Nasritdinov Kabul Mahamadjonovich**

Docent of "Theory of Civil Society", Candidate of Historical Sciences

### Annotation

On the basis of scientific and historical literature and archival sources, the author of the article analyzes the historical picture and reveals the essence of the measures taken by the Soviet government to develop irrigation and develop the virgin lands of central Ferghana in the 51-70s of the twentieth century.

**Keywords:** Ferghana Valley, Great Ferghana Canal, Sirdarya, land reclamation, steppe, agriculture, irrigation, collector, cubic meter, irrigation.

Марказий Фарғона худуди географик жиҳатидан шимолдан Сирдарё, жанубдан Катта Фарғона канали, ғарбдан Қўқон ва шарқдан Андижон воҳалари билан чегараланган ерлар кирган бўлиб, бу худуд ғарбдан-шарққа томон 90 км, шимолдан жанубга эса 50 км га чўзилган бўлиб, водийнинг энг пастки текислик қисми ҳисобланади.

1952 йил сентябрь ойида Марказий Фарғона ерларини суғориш, ўзлаштириш масаласи яна кун тартибига қўйилди[1,539] ва Ўзбекистон КП МҚ ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Марказий Фарғонада 65 минг гектар қўриқ ерларни суғориш учун ирригация иншоотлари куриш ишларини олиб бориш юзасидан қарор қабул қилди[2]. Бу борадаги ишлар эса 1953 йилдан бошлаб юборилди. Совет ҳукумати Ўзбекистонни марказ энгил саноати учун пахта хом-ашёсини етказиб берувчи асосий база сифатида шакллантириш замирида биринчи галда пахта хом-ашёсини етиштириш учун табиий жиҳатдан қулай бўлган Фарғона водийсининг марказидаги чўл худудини ўзлаштиришни режалаштирган эди. Чунки, чўл воҳасини суғориш учун зарур бўлган иншоотлардан Катта Фарғона Канали бунёд этилган, Фарғона водийсида Ўзбекистоннинг бошқа минтақаларига нисбатан аҳоли зич жойлашганлиги, мавжуд жамоа хўжаликлариди янги ерларни ўзлаштириш ва суғориш бўйича керакли миқдорда меҳнат ресурсларининг мавжудлиги юқорида зикр этилган қарорни қабул қилинишида муҳим омил бўлди.

Беш йиллик режага кўра, 1955 йилга келиб фақат Наманган воҳасида суғорилиб деҳқончилик қилинадиган ерларнинг умумий миқдори 167 минг гектарга етказилиши, бунинг учун Ачиқққўл массивида 7 минг, Чуст районида 20 минг, Марказий Фарғонада 40 минг гектар янги ерлар қишлоқ хўжалиги оборотида киритилиши лозим эди. Косонсой сув омбори курилишини тугаллаш ва унинг сув сиғимини 50 млн кубометрга етказиш[3,10], Подшоотасой, Ғовасой системаларида ирригация ишларини кучайтириш била воҳа экин майдонларини 200 минг гектарга кўпайтириш имконияти бор эканлиги кўрсатилди[4,79-80].

Марказий Фарғона ерларини суғориш ва ўзлаштиришда совет ҳокимияти асосан колхозларнинг ҳисобидаги мавжуд бўлинмас фондлардан фойдаланиш эвазига амалга оширишни режалаштирди. Чунки, совет давлатининг бу даврда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун етарлича маблағи йўқ эди. Бу совет ҳукуматининг янги ерларни ўзлаштиришда жамоа хўжаликларнинг бўлинмас фондларидан фойдаланиш борасидаги биринчи “тажрибаси” эди. Шунинг учун ҳам Марказий Фарғона ерларини суғориш ва ўзлаштиришда Колхозлараро Кенгаш ташкилотини тузиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

1953 йилнинг февраль ойида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Колхозлараро Кенгашнинг ташкилий тузилиши, ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги махсус йўриқномани қабул қилди ва тасдиқлади. Қабул қилинган йўриқномага кўра, Колхозлараро Кенгаш Фарғона водийси вилоятларидаги 700 та[5,110], кохозларнинг ҳамда совет ва жамоат ташкилотлари вакилларида ташкил этилиб, Кенгаш аъзолари вакилларнинг умумий йиғилишида 2 йил муддатга сайланар эди.

Кенгаш таркибига раис, 4 нафар раис ўринбосарлари ҳамда 12 та аъзолардан жами 17 киши аъзо эди. Кенгаш раисининг бир нафар ўринбосари ҳамда 2 нафар аъзоси аввали ишлаган лавозимларидан озод этилиб, уларнинг бири инженер-гидротехник мутахассиси бўлиб кенгаш фаолиятининг техник томонларини, иккинчиси эса агроном бўлиб янги ташкил этилган хўжаликларнинг ташкилий масалаларини назорат қилар эди.

Колхозлараро Кенгаш қошида ташкилий, техник, молиявий масалаларни ҳал этиш учун ишчи гуруҳ тузилган бўлиб, Колхозлараро Кенгаш Ўзбекистон КП МК, Республика Министрлар Совети, Ўзбекистон ССР Олий Соети Президиумнинг бевосита раҳбарлигида фаолият олиб борарди. 1953-1959 йилларда Колхозлараро Кенгаш раиси (1950-1959 йилларда Ш.Р. Рашидов[6,204], Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раиси бўлиб ишлаган) бўлиб Ш.Р. Рашидов фаолият олиб борган.

Колхозлараро Кенгаш фаолияти тарихини уч даврга бўлиш мумкин. Биринчи давр, 1952 йилнинг ноябр ойидан 1956 йилнинг декабригача бўлиб, Кенгашнинг бу даврдаги фаолияти сув хўжалиги қурилиши ва йўл қурилиши билан чегараланган ҳалос. 1956 йилгача “Ферганаводстрой” трестининг колхозлар билан шартномавий муносабатлари сақланиб келинган. Иккинчи даврда Колхозлараро Кенгашнинг фаолияти кучайтириш учун ҳамда колхозларнинг трест билан тузилиши лозим бўлган шартномаларини тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарори билан “Ферганаводстрой” трестининг колхозлар билан тузилган ўзаро шартномаларини бекор қилиниб, трест билан колхозлар ўртасидаги ўзаро шартномаларни тузиш ҳуқуқи Колхозлараро Кенгашга берилди. Колхозлар томонидан ерларни ўзлаштириш учун ажратилган маблағлар эса жамоа хўжаликларининг умумий йиғилишида муҳокама этилиб, Кенгаш фондига ўтказиладиган бўлинди. Шундай қилиб, 1956 йилнинг декабр ойигача сув хўжалиги қурилиши ташкилоти ҳисобланган Колхозлараро Кенгаш, эндиликда Марказий Фарғона ерларини суғориш ва ўзлаштириш бўйича Колхозлараро Кенгашга айлантирилиб, ушбу соҳада бажариладиган ҳамма ишларни тўлиқ назорат қилувчи ягона ташкилотга айлантирилди.

Колхозлараро Кенгашнинг ўзлаштириш бўлими колхозларнинг бўлинмас фонди ҳисобидан келадиغان маблағлар ҳисобига қуриладиган, маданий-маиший клуб, мактаб, магазин, ҳаммом каби объектларни, чўл массивига кўчиб келган чўлқуварлар учун уй-жойлар қурилишини назорат қилар эди. Мазкур бўлим ўзлаштирилган ерларни ҳисобини олиш, янги ўзлаштирилган ерларга экилган экинлар ва улардан олинган ҳосилнинг миқдорини ҳисобга олиб бориш каби ишлар билан ҳам шуғулланар эди.

Суғориш бўлими эса 1958 йилда қайта шакллантирилган ташкил этилган[7,29].

“Узглаводстрой” таркибида фаолият юритувчи “Ферганаводстрой” трестига буюртма бериш, берилган буюртмаларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш, тайёр объектларни қабул қилиб олиш, молиявий ишларни тартибга солиш, шартномаларнинг бажарилишини текшириш каби ишларни бажариши лозим эди

Кези келганда, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, дастлаб, Марказий Фарғона ерларини ўзлаштириш ва суғориш ишлари Ўзбекистоннинг бошқа чўл воҳаларидагига ўхшаб ягона бир усулда совхоз (давлат хўжалиги) ёки жамоа хўжаликларини ташкил қилиш йўли билан олиб борилмаган. Балки, 1953 йилгача Марказий Фарғона ерлари водий вилоятларидаги мавжуд иқтисодий бақувват ташкилотлар ихтиёрига бўлиб берилиб, бу ташкилотлар ўз маблағи ва ишчи кучи билан унчалик кўп меҳнат талаб қилмайдиган, миқдори кичик бўлган жойларгина ўзлаштирилар эди[8,7]. Ўзлаштирилган янги ерларга эса иқтисодий жиҳатдан бақувват жамоа хўжаликларнинг сайёр бригадалари юборилар эди. Шунинг учун ҳам янги ўзлаштирилган ерларда ирригация ишларини йўлга қўйилиши маҳаллий характерга эга эди. Марказий Фарғона чўл массивлари ерларини ўзлаштиришни бу усулда ташкил этилишидан кўриниб турибдики, янги ерларни ўзлаштириш ва суғориш ишлари давлат маблағлари ҳисобидан эмас, балки ташкилотлар, жамоа хўжаликларининг маблағлари, энг асосийси, уларда меҳнат қилаётган мавжуд ишчи ва колхозчиларнинг меҳнати эвазига амалга оширилиши режалаштирилган эди.

1957 йили Марказий Фарғона ерларини суғориш ва ўзлаштириш бўйича бош режа тузилди. Ишлаб чиқилган режага асосан ўзлаштириладиган жами ҳудуд 386,8 минг гектарга тенг, шулардан 90 минг гектари ўта нотекис кўриқ ерлар тоифасига кириб, жами ерларнинг 140 минг гектари янгидан

ўзлаштириладиган ва суғориладиган ер ҳисобланар эди[6,204]. Шу мақсадда Катта Фарғона, Жанубий Фарғона каналлари, Охунбобоев номли магистрал суғориш системаси ва бошқа бир қанча ирригация системалари қайта реконструкция қилиниб кенгайтирилиши, мелиоратив магистрал коллекторлар ва унинг шохобчаларини қурилиши, шунингдек, эски магистрал коллеторларнинг ўзанлари кенгайтирилиши, янги ўзлаштириладиган ҳудудда 5 та янги туман, 10 та совхоз ва 94 та жамоа хўжаликлари ташкил этилиши лозим эди[8,7]. Совет ҳукумат ўзининг суғорма деҳқончилик амалиётида илк бор кўриқ ерларни комплекс усулда ўзлаштириш яъни чўл худудини ўзлаштириш баробарида, бу худудда яшовчи аҳоли учун ҳаёти зарур бўлган барча шарт-шароитларни барпо этиш тажрибасини ҳам Марказий Фарғона синовдан ўтказишни режалаштирди[9,249]. Бу режани амалга ошириш тўғрисида КПСС МҚ ҳамда СССР Министрлар Советининг 1956 йил 6 августдаги “Ўзбекистон ССР ва Қоғоғистон ССРда пахта етиштиришни кўпайтириш учун Мирзачўлни суғориш ва ўзлаштириш” чора тадбирлар 1956 йилда иттифоқ ва республика миқоёсида қабул қилинган қарорларда белгилаб берилди[10,130-135]. Ушбу вазифани амалга ошириш учун биргина 1957 йилнинг ўзида Марказий Фарғона кўриқ ерларини ўзлаштириш ишларига 1700 нафар ёшлар юборилди[11,15].

Марказий Фарғона ерларини суғориш ва ўзлаштиришни бевосита бажарадиган “Ферганаводстрой” трести бош пудратчи сифатида бажариладиган ишнинг ҳажми ва муддатига қараб қурилиш-монтаж бошқармаларини аниқлаш, бошқармалар ўртасида қурилиш ишларини тақсимлаш, қурилиш участкаларини ташкил этиш ва имкон даражасида қурилиш участкаларини битта маъмурий туман худудида қурилиш ишларини олиб боришини таъминлаш каби функцияларни бажариши лозим эди.

“Ферганаводстрой” трестига 3 та қурилиш-монтаж бошқармаси, уй-жой ва маданий – маиший қурилиш ишлари бошқармаси, Фарғона ва Андижон вилоятлараро автотранспорт идораси, моддий-техника таъминоти идораси, Марғилон матор заводи, Катта Фарғона каналини реконструкция қилиш бошқармаси ҳамда 1957 йилдан Сўх дарёсида Қўқон сув узелини қуриш бошқармаси ҳам кирар эди. Бундан ташқари суғориш ва ўзлаштириш ишларида туманларнинг “ Узсельхозтехника ” бўлимлари, вилоятларни сув хўжалиги бошқармалари, Катта Фарғона каналдан фойдаланиш бошқармаси ва бошқа бир қатор ташкилотлар иштирок этдилар. Қурилиши лозим бўлган суғориш иншоотларига керакли қурилиш материалларини етказиб бериш учун Марғилон ёғоч андозалаш заводи ва Қопчиғай бетон заводлари, Жумашуй, Марғилон, Куйганёр, Қўқон шағал саралаш полигонлари ишга туширилиб, кенгайтирилди.

Бош режага асосан чўл худудини суғориш ва ўзлаштириш учун икки босқичга мўжжалланган сув хўжалигини барпо этиш борасидаги ишларини амалга оширилиши лозим бўлиб, биринчи босқич ишларини 1964 йилнинг охирида яқунлаш режалаштирилган эди.

1956 йилда ерларни ирригация-мелиорация ҳолатини яхшилаш ва ўзлаштириш бўйича барча массивларда жумладан, Сўх-Исфара ва Ғарбий Фарғона, Аччиққўл, Катта Фарғона канали зонаси ва бошқа Марказий Фарғона ерларида жойлашган 35 та хўжаликларда режалаштирилган ишлар бажарилди. Чўл худудида янги ўзлаштирилган ерларни мунтазам равишда сув билан таминлаб турилиши учун бир қатор ирригация системалари, Катта Фарғона каналининг 270 километр узунликдаги ўзани қайта таъмирланиб кенгайтирилди, натижада каналнинг сув ўтказиш имконияти 2 бараварга ортди. Бунинг учун каналнинг Куйган-ёр тўғонидаги сув тўхтагич қайта таъмирланиб ишга туширилди. Охунбобоев каналининг 105 километрли ўзани қайта таъмирланди, буни натижасида Сирдарёдан секундига 65 кубометрдан 110 кубометргача сув оладиган янги бош иншоот кучли механизация ёрдамида бошқариладиган қилиб қайта таъмирланди. Балиқчи, Хонобод, Қизилтепа, Куйбишев каби янги суғориш системалар қурилди. 1963-1965 йилларда Катта Фарғона каналининг сувидан янги ерларни суғоришда унумлироқ фойдаланиш учун Жанубий Фарғона канали қайта реконструкция қилиниб, каналнинг сув ўтказиш имконияти икки бараварга оширилди.

Марказий Фарғонанинг ғарбий массивидаги сув танқислигини ҳисобга олиниб, 1963 йилда секундига 8 кубометр сувни юқорига чиқарадиган Фрунзе номли, 1968 йилда секундига 25 кубометр сув чиқарадиган Абдусамат насос станциялари ишга туширилди. Булардан ташқари, Охунбобоев, Катта Фарғона ва Жанубий Фарғона каналлари каби йирик суғориш тармоқларидан бевосита сув олувчи 409

та маторли насослар ўрнатилди. Натижада, вегитация даврида экинларни сув билан таъминлаш анча яхшиланди.

Марказий Фарғона ерларини суғориш ва ўзлаштириш ишларининг кўлами жихатидан ортиб бориши “Ферганаводстрой” трестига ўхшаган янги “Андижанводстрой” (1961 йилда) ҳамда “Наманганводстрой” (1968 йилда) трестларини ташкил топиб, мустақил равишда фаолият кўрсатишларида муҳим омил бўлди. Шундан сўнг кўрик ерларни суғориш ва ўзлаштириш ишларининг ҳажми ва кўлами янада ортди. Марказий Фарғона ерларини суғориш ва ўзлаштириш жараёнининг ҳар бир босқичида ўзига хос вазифалар амалга оширилди. Биринчи босқичда “Ферганаводстрой” трести томонидан 1953-1960 йилларда ерларни суғориш ва ишлаб чиқариш базасини вужудга келтириш ва ерларни ўзлаштиришга доир тайёргарлик ишлари бажарилган эди.

Иккинчи босқич 1961 йилдан бошланиб, бу даврда чўл ерларининг анчагина қисми ўзлаштирилиб қишлоқ хўжалик оборотиغا киритилди ва янги ўзлаштирилган ерларда қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштирила бошланди.

1964 йили 12 майда Республика Министрлар Совети “Марказий Фарғона ерларини ўзлаштириш ҳақида” махсус қарор қабул қилди. Ушбу қарорда, қурилиш ташкилотларининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш, йирик кўрик массивларда қурилиш ва суғориш ишларини ҳар томонлама марказлаштириш кўзда тутилган эди.

КПССнинг 1966 йилда бўлиб ўтган XXIII съездида халқ хўжалигини 1966-1970 йилларга мўжжалланган саккизинчи беш йиллик режа дирек-тивларида Ўзбекистонда 500 минг гектар янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш, жумладан Марказий Фарғона ерларини мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ерларнинг шўрланиши ва ботқоқланишига қарши кураш олиб бориш вазифалари кўйилди[12,15].

КПСС Мкнинг 1966 йил май ойида бўлиб ўтган Пленумида эса “Дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан муттасил юқори ҳосил олиш учун мелиорацияни кенг ривожлантириш тўғрисида” қарор қабул қилинди[13,44].

Ўзбекистон КП МҚ III Пленумида юқорида зикр этилган масалалар муҳокама этилиб, уларни амалга ошириш борасида муфассал тадбирлар белгиланди. Ушбу тадбирларга кўра, республикада 500 минг гектар янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш, 1 млн гектар майдондаги ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш режалаштирилди[14,233].

Ўзбекистон КП МҚ 1971 йилда суғориладиган экин майдонларининг ҳосилдорлигини ошириш Марказий фарғона кўрик ерларини ўзлаштиришни жадаллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқди[7,29].

Унга кўра, ўзлаштирилган ерларда экинлар ҳосилдорлигини ошириш ва улардан олинадиган даромадларни кўпайтириш лозим эди.

Марказий Фарғона ерларини суғориш ва ўзлаштиришнинг учинчи 1967-1977 йилларга мўжжалланган босқичида Катта Андижон канали қурилиши бошланди. 1966 йил охирига келиб, Марказий Фарғонада 87,5 минг гектар ернинг ирригация ва мелиорация ҳолати яхшиланди.

Ўзбекистон КП МҚ ва Республика Министрлар Совети 1965 йил “Катта Андижон канали қуриш тўғрисида” қарор қабул қилди. Катта Андижон каналининг биринчи навбати лойихага кўра, каналнинг умумий узунлиги 196 километр бўлиб, унинг сув ўтказиш қуввати секундига 250 кубометрни ташкил этади[8,22]. Канал Норин дарёсидан бошланади[7,25]. Канал Ҳаққулобод қишлоғидан Қорадарё орқали Марказий Фарғонанинг ўрта қисми билан Бағдод районигача чўзилади. 1970 йилда Катта Андижон канали қурилиши ниҳоясига етказилди. Канал сувлари билан Марказий Фарғона чўл зонасидаги 145 минг гектар ерларнинг сув таъминоти яхшиланди[15,39].

Унинг учта кўшимча Охунбобоев номли, Аччиқўл ва Сўх тармоқлари бўлиб, улар Марказий Фарғонанинг ҳамма районларининг сув билан таъминламоқда. Каналнинг магистрал қисмида ва унинг тармоқларида ҳаммаси бўлиб 706 та ҳар-хил сув иншоотлари, кўприклар, 18 та гидроузеллар барпо этилди.

Лойихага мувофиқ канал қурилишида 20 миллион кубометр тупроқ ишлари, 320 минг кубометр бетон, 350 минг кубометр темир-бетон ишлари бажарилди. Давлат бюджетидан канал қурилишига 50 миллион сўм маблағ ажратилди. Катта Андижон каналининг сувлари билан янгидан 80 минг гектар

ерни суғориш ва 75 минг гектар мавжуд ерларни сув таъминотини яхшилаш имкони яратилди. Канал сувлари билан Фарғона водийси вилоятларидаги 140 минг гектар, шу жумладан, 61 минг гектар кўрик экин майдонларининг сув таъминоти яхшиланди[7,25].

#### **Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати**

1. Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях.....т III, - Ташкент: 1988. –С. 539.
2. Қизил Ўзбекистон // 1952 йил, 2 сентябрь.
3. Ўзбекистон Миллий Архиви 2483-жамғарма, 1-рўйхат, 1722-иш, 10-варак.
4. Тошкент шаҳрида 1954 йил 17-20 ноябрда бўлиб ўтган Ўрта Осиё, Закавказье республикалари ва Қозоғистон ССР пахтачилик ходимларининг кенгаши материаллари.- Т., 1955.
5. Алимов И. И др. Осуществление ленинских идей орошения в Средней Азии.-Т., 1986.
6. Ирригация Узбекистана Т-І. –Ташкент: 1975.
7. Тилекулов С.Т. Ирригация на службе продовольственной программы.- Ташкент: Узбекистан., 1984.
8. Гофуров А., Шамсутдинов Ф. Марказий Фарғона-яшнаётган воҳа.- Тошкент: 1980.
9. Покорение Голодной степи.-Ташкент: Узбекистан., 1980.
10. КПСС в резолюциях и решениях..., Т.- 9. Москва: 1986. А также; Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях..., Т.-2. Ташкент: Узбекистан., 1988.
11. Наринский К. М. Яшнаётган кўрик. - Тошкент: 1965.
12. КПСС XXIII съезди материаллари. -Тошкент: 1966.
13. Материалы майского Пленума ЦК КПСС. Москва: 1966.
14. Абунабиев А.Г. По декрету вождя. –Т., 1970. С-233.
15. Насритдинов Қ. М. Ўзбекистонда ирригация-мелиорация қурилишининг ривожланиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари (1981-1990 йиллар). // тарих фан номзоди...диссертация/Андижон 1994. -Б.148.